

Электрон оферта шартномаси

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда - **Банк**) номидан Низом ва Ишоннома асосида иш юритувчи Банкнинг филиали бир томондан ҳамда Банкнинг пластик картасини сакловчи бўлган жисмоний шахс (кейинги ўринларда - **Омонатчи**) иккинчи томондан ушбу Электрон оферта шартномасини (бундан буён матнда **Шартнома**) куйидагилар тўғрисида электрон шаклда туздилар.

Шартнома бўйича Омонатчига тақдим этиладиган банк хизматлари “UzPSB Mobile” мобил дастури (матнда кейинги ўринларда - **Дастур**) орқали амалга оширилади.

1. Шартнома предмети

1.1. Банк мазкур шартномага асосан Омонатчининг Банк филиалларида очилган пластик карта ва/ёки омонат ҳисобварақларидаги маблағларини нақд пулсиз шаклда масофадан бошқариладиган омонатларга қабул қилиш, омонатни қайтариш ва унга фоизлар ҳисоблаш ҳамда Омонатчининг мазкур омонат ҳисобварағини масофадан туриб бошқаришига рухсат бериш мажбуриятини олади.

1.2. Омонатчи омонат ҳисобварағидаги маблағларини ва унга ҳисобланган фоизларни Дастур орқали ўзининг ва/ёки бошқа жисмоний шахсларнинг пластик карта ёки омонат ҳисобварақларига, Дастурда мавжуд хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда ўтказиш орқали тасарруф этади.

2. Омонатнинг шартлари

	Омонат шартлари	Online Sarmoya	Online Exclusive	Imkon	Oila Sarmoyasi	Universal	Авто-1
2.1.	Омонат тури:	Жамғарма	Жамғарма	Жамғарма	Жамғарма	Муддатли	Жамғарма
2.2.	Омонат валютаси:	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм
2.3.	Омонатнинг сақлаш муддати:	3 (уч) ой	4 (тўрт) ой	1 (бир) ой	2 (икки) ой	3 (уч) ой	3 (уч) йил
2.4.	Омонат муддатининг тугаш санаси:	“__”__20__й.	“__”__20__й.	“__”__20__й.	“__”__20__й.	“__”__20__й.	“__”__20__й.
2.5.	Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси:	16 фоиз	17 фоиз	10 фоиз	14 фоиз	16 фоиз	1 фоиз
2.6.	Омонат муддати тугагунга қадар Омонатчи томонидан пул маблағи қайтариб олинганда омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддати учун тўланадиган йиллик фоиз ставкаси	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз
2.7.	Ҳисобвараққа кўшимча маблағ қилиш имконияти:	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд
2.8.	Ҳисобварақдан қисман маблағ чиқим қилиш имконияти:	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
2.9.	Омонат маблағининг энг кам миқдори	100 000 сўм	100 000 сўм	100 000 сўм	100 000 сўм	100 000 сўм	100 000 сўм
2.10.	Бошқа шартлар						

	Омонат шартлари	Кафолат-2	Байрамона	Komfort	Mega omonat	Platinum	Avesto
2.1.	Омонат тури:	Муддатли	Жамғарма	Муддатли	Муддатли	Муддатли	Муддатли
2.2.	Омонат валютаси:	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм	Сўм
2.3.	Омонатнинг сақлаш муддати:	4 (тўрт) йил	4 (тўрт) ой	13 (ўн уч) ой	777 (етти юз етмиш етти) кун	26 (йигирма олти) ой	24 (йигирма тўрт) ой
2.4.	Омонат муддатининг тугаш санаси:	“_”_20_й.	“_”_20_й.	“_”_20_й.	“_”_20_й.	“_”_20_й.	“_”_20_й.
2.5.	Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси:	10 фоиз	15 фоиз	18 фоиз	19 фоиз	20 фоиз	20 фоиз
2.6.	Омонат муддати тугагунга қадар Омонатчи томонидан пул маблағи қайтариб олинганда омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддати учун тўланадиган йиллик фоиз ставкаси	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз	0 фоиз	1 йил ичида олганда 0 фоиз, 1 йилдан сўнг олинган омонатлар учун йиллик 16 фоиз.	1 йил ичида олганда 0 фоиз, 1 йилдан сўнг олинган омонатлар учун йиллик 16 фоиз.
2.7.	Ҳисобвараққа қўшимча маблағ қирим қилиш имконияти:	Мавжуд эмас	Мавжуд	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
2.8.	Ҳисобварақдан қисман маблағ чиқим қилиш имконияти:	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас
2.9.	Омонат маблағининг энг кам миқдори	100 000 сўм	10 000 сўм	100 000 сўм	2 млн.сўм	2 млн.сўм	2 млн.сўм
2.10	Бошқа шартлар		Омонат сақлаш муддати 2 марта омонатчи иштирокиси 3 узайтирилади				

	Омонат шартлари	Муддатини танланг				
2.1.	Омонат тури:	Муддатли				
2.2.	Омонат валютаси:	Сўм				
2.3.	Омонатнинг сақлаш муддати:	3 (ой)	9 (тўққиз) ой	12 (ўн икки) ой	24 (йигирма тўрт) ой	36 (ўттиз олти) ой
2.4.	Омонат муддатининг тугаш санаси:	“ _ ” _20_ й.				
2.5.	Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси:	16 фоиз	18 фоиз	19 фоиз	20 фоиз	21 фоиз
2.6.	Омонат муддати тугагунга қадар Омонатчи томонидан пул маблағи қайтариб олинганда омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддати учун тўланадиган йиллик фоиз ставкаси	0 фоиз				
2.7.	Ҳисобвараққа қўшимча маблағ қилиш имконияти:	Мавжуд эмас				
2.8.	Ҳисобварақдан қисман маблағ чиқим қилиш имконияти:	Мавжуд эмас				
2.9.	Омонат маблағининг энг кам миқдори	1,0 млн. сўм				
2.10	Бошқа шартлар					

3. Омонатга фоизлар ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

3.1. Омонатга фоизлар ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади. Фоизлар омонат маблағи Банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у Омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра унинг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача бўлган даврга ҳисобланади.

3.2. Омонат суммасига фоизлар кунлик ҳисобланиб, омонатчининг номига очилган 22400 - “Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағининг субҳисобварақларида ййғиб борилади. Ушбу маблағларни Омонатчи Шартнома шартлари доирасида мустақил тасарруф этади.

3.3. Омонат сақлаш муддати тугагунга қадар талаб қилиб олинса ёки сақлаш муддати тугагандан кейин талаб қилиб олинмаса, ҳақиқатда сақланган муддат учун омонатга фоизлар ҳисобланмайди.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Омонатчининг ҳуқуқлари:

- 4.1.1. Мазкур Шартноманинг қоғозга чоп қилинган шаклини Омонат ҳисобварағи очилган Банк филиалидан ҳеч қандай комисион ҳақсиз олиш;
- 4.1.2. Мазкур шартнома шартлари доирасида омонат маблағларини эркин тасарруф этиш;
- 4.1.3. Ушбу шартномани акцептлаш ҳақида мустақил равишда қарор қабул қилиш.

4.2. Омонатчининг мажбуриятлари:

- 4.2.1. Масофадан туриб омонат ҳисобварағи очиш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан муомалага чиқарилган пластик картага эгаси бўлиш;
- 4.2.2. Омонатга пул маблағини қилиш учун пластик карта ёки омонат ҳисобварақларида омонат турига қилиниши лозим бўлган омонат маблағига эга бўлиши;

4.2.3. Омонат ҳисобварағини очиш учун керакли бўлган барча амалиётларни кетма-кетликда амалга ошириш;

4.2.4. Омонат дафтарчаси расмийлаштирилиб, Банкнинг жамғарма кассаларида одатдаги тарзда очилган омонатларни мазкур Шартномага асосан қайта расмийлаштирилганидан кейин 3 банк иш куни ичида, аввалги омонатга берилган омонат дафтарчасини банкнинг жамғарма кассасига қайтариш;

4.2.5. Омонат ҳисобварағидан амалиётларни амалга ошириш давомида Дастурдаги узилишлар ёки техник носозликлар ҳақида Банк филиалини телефон орқали хабар бериш;

4.2.6. Дастурга кириш учун берилган “Логин”, “Парол” ва “PIN” кодни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик;

4.2.7. Мобил алоқа ёки интернет тармоғи орқали Омонат билан боғлиқ бўлган банк амалиётларини бошқа шахслар иштирокисиз ёки кузатувисиз амалга ошириш;

4.2.8. Шартноманинг 2.3. ва 2.4.-бандларида белгиланган муддатга риоя қилиш;

4.2.9. Омонат ҳисобварағида турган пул маблағларига доир банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун Банкда ўрнатилган Тарифлар асосида воситачилик ҳақини тўлаш.

4.3. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.3.1. Омонатчининг талаби билан омонат маблағи муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтарилганда, маблағ қайтарилгунига қадар ҳисобланиб, тўланган фоизларни шартномада белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ҳисобварақдаги қолдиқдан ушлаб қолиш;

4.3.2. Омонат муддати тугаган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда, омонат маблағларини ва унга ҳисобланган фоизларни Омонатчининг 20206-сонли талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказиш;

4.3.3. Омонатчининг ҳисобварағи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда хатланганда, ҳисобварақ орқали чиқим амалиётларини бажаришни тўхтатиш;

4.3.4. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида, Банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоиз ёзмастик;

4.3.5. Кредит ресурслар бозори конъюктурасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 763-моддасига асосан аҳоли омонатлари бўйича фоиз ставкаларини Банк Бошқаруви қарори билан ўзгартириш.

Бунда янги фоиз ставкаси банк томонидан ўрнатилган кундан бошлаб кучга киради. Аввал қабул қилинган омонатлар бўйича сақлаш муддати тугагунга қадар ўзгартирилган фоиз ставкалари қўлланилмайди;

4.3.5. Омонат ҳисобварағида турган пул маблағларига доир банк операциялари бўйича амалга оширилган хизматлар учун Банкда ўрнатилган Тарифлар асосида воситачилик ҳақини ундириш;

4.3.6. Омонатчининг омонат дафтарчаси расмийлаштирилиб, одатдаги тарзда очилган омонат ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш хизматини жорий этади.

4.4. Банкнинг мажбуриятлари:

4.4.1. Омонат шартларини электрон кўринишда Банкнинг интернет вебсайтида акс эттириш;

4.4.2. Электрон оферта шартномаси Омонатчи томонидан электрон тарзда тасдиқлангандан сўнг омонат маблағларини кирим қилиш ҳамда омонат бўйича операцияларни қайд этиб бориш мақсадида Омонатчининг номига автоматик тарзда ҳисобвараларни очиш;

4.4.3. Ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида Омонатчига фоизларни ҳисоблаб бориш ва тўлаш ҳамда омонатчининг биринчи талабига кўра омонатдаги пул маблағларини электрон шаклда, нақд пулсиз қайтарилишини таъминлаш;

4.4.4. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақланишини таъминлаш.

Бундай маълумотларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда учинчи шахсларга тақдим этиш ҳолатлари бундан мустасно.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Омонатчи томонидан омонат “Қоида”лари талабларига ва ушбу шартномада белгиланган шартларга риоя қилмаслик оқибатида етказилган зарар учун Банк жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.3. Омонатчи ҳисобвараққа кирим қилинган маблағларни қонунийлигига шахсан жавобгардир.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар;

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

7. Электрон офертанинг Банкда мавжуд бўлган омонатларга тадбиқ қилиниши

7.5. Омонатчи ўзининг Банкда мавжуд бўлган омонатини Дастурга улаш ва Дастур орқали бошқаришни хоҳласа, мазкур электрон оферта шартномасини мобил илова орқали акцептлаши лозим. Бундай омонатчилар электрон офертани акцептлашдан олдин, омонатнинг шартлари ва офертада

кўрсатилган шартлар билан танишиши шарт.

Омонатчи томонидан Электрон оферта мобил илова орқали биринчи амалиёт бажарилган пайтдан бошлаб Электрон офертанинг шартларини қабул қилинган, яъни у акцептланган ҳисобланади.

7.6. Филиалда мавжуд бўлган омонат маблағини, электрон оферта шартномасига асосан қайта расмийлаштирилганида, дастлабки омонат юзасидан берилган омонат дафтарчаси ўз кучини йўқотади.

8. Бошқа шартлар

8.1. Электрон оферта шартномаси омонат суммаси банк омонат ҳисобварағига нақд пулсиз кўринишда келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

8.2. Омонатларнинг қайтарилиши Банкнинг барча мол-мулклари ва активлари билан таъминланади ва Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

8.3. Мазкур шартнома омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар Омонатчига тўлиқ қайтариб берилганидан сўнг ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

8.4. Мазкур шартномада кўрсатиб ўтилмаган ҳолатларда тарафлар амалдаги қонунчилик ва Омонат “Қоида”ларига асосланади(риоя қилади)лар.

8.5. Ушбу шартнома бўйича юзага келган келишмовчилик ва низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Музокаралар йўли билан ҳал этилмаган келишмовчиликлар ва низолар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда судлар орқали ҳал этилади.

9. Томонларнинг реквизитлари

Банк «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
--